



**Соҳиба АБДУЛЛАЕВА**

филология фанлари номзоди, немис тили назарияси ва  
амалиёти кафедраси мудири  
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
[sohiba2006@mail.ru](mailto:sohiba2006@mail.ru)

## НЕМИС ТИЛИДА ПАССИВ ФЕЪЛ НИСБАТИ ВА УНИНГ СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақола немис тилида пассив формаси ва унинг семантик хусусиятларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унда бу нисбатнинг формал структурал жиҳатлари ва унинг ифодаланиш формалари тўғрисида фикр юритилади. Муаллиф феъл семантикаси нисбат шаклларида амалга ошиши ҳамда субъект-объект муносабатларида ўз ифодасини топиши, синтактик конструкциялар ва уларни ташкил қилувчи структур компонентлар тил системасида коммуникатив функцияни, муносабатларни ифодалаш мумкинлиги тўғрисида сўз юритади.

Статья посвящена формам пассивного залога в немецком языке и их семантическим особенностям. Автор разбирает формальную структуру этого залога и его употребление. Также в статье рассматривается употребление в языковой системе на основе коммуникативной функции форм залога и выражение субъектно-объектных отношений в синтаксических конструкциях.

This article is devoted to the passive form and its semantic peculiarities in German language. The formal and structural features of this voice and its ways of expression will be discussed in this article. Moreover, appearance of the verb semantics in the forms of voice, its expression in the subject-object relations, syntactic constructions and its structural components of communicative function in the system of the language and their ways of expressions will be investigated.

**Калит сўзлар:** тилшунослик, пассив, тил структураси, субъект, объект, нисбат, феъл, феълнинг тугалланган тури, категория, конструкция.

**Ключевые слова:** языкознание, пассивный, языковая структура, субъект, объект, залог, глагол, перфектное значение, категория, конструкция.

**Key words:** linguistics, passive, language structure, subject, object, voice, verb, stative, category, construction.

Тилшуносликка оид бир қанча масалалар нафақат немис тилида, балки умумий тилшуносликда ҳам ҳозиргача кўпгина мунозараларга сабаб бўлиб

қолмоқда. Шундай баҳсли-муаммоли масалалардан бири феълнинг нисбат категориясидир. Маълумки, нисбат категорияси кишининг амалий ва билиш фаолиятида марказий ўринни эгаллайдиган субъект – объект муносабатларини ифодаловчи муҳим лисоний восита бўлиб хизмат қилади. Ушбу субъект-объект муносабатларини аниқлаш борасида кўпгина изланишлар амалга оширилди. Шундай бўлса-да, нисбат назариясининг асосий муаммолари бўйича баҳслар камайгани йўқ. Баҳсларга сабаб бўлаётган масалалар сирасига, жумладан, куйидагилар киради: нисбатнинг формал структураси унинг мазмун структурасига зид қўйилиши; нисбат зидланишида иштирок этадиган граммалар таркиби масаласи (айрим олимлар ушбу зидланишда фақат актив ва пассив иштирок этади дейишса, бошқалари бунга статив ҳамда рефлексив (ўзлик нисбати)ни ҳам киритишади); кўпгина ноаниқликлар нисбатнинг феъл ўтимлилиги/ўтимсизлиги, ўзлик ва шахсизлик ходисалари билан ўзаро муносабатида мавжуд.

Немис тилида феъл нисбати бўйича кўпгина тадқиқотлар амалга оширилган. Чунончи, герман тилларида нисбатларнинг оппозицияси тараққиётининг тарихий қиёсий жиҳатлари (Гухман, 1964), пассивнинг замон ва тус маънолари (Гулыга, 1944; Оберг, 1907), пассив ва статив оппозицияси (Шендельс, 1970; Букавин, 1965), ушбу конструкцияларнинг тилнинг турли услубларида қўлланиши ва вазифалари (Гречко, 1973; Эльмурадов, 1977), немис тилида нисбат категорияси ва нисбатлилик майдони (Шубик, 1989) каби масалалар ўрганиб чиқилган. Таъкидлаш керакки, барча тадқиқотчилар нисбат оппозициясида актив ва пассив конструкцияларни намунавий турлар деб ҳисоблайдилар.

Ушбу оппозиция аъзолари ўртасидаги характерли фарқ феълнинг нафақат ҳар хил морфологик шаклларида, балки турлича синтактик тузилишида намоён бўлади: актив конструкцияларда эга ишнинг ҳаракат субъекти маъносига, тўлдирувчи эса (воситасиз) объект маъносига эга бўлади; пассив конструкцияларда манзара аксинча, эга объект маъносига, (кўмакчили) тўлдирувчи эса субъект маъносига тўғри келади. Юқорида тилга олинган тадқиқотлар натижасида немис адабий тилида тавсифий ва тарихий планда пассив ва статив конструкцияларнинг қўлланиши ва функционалигининг умумий тенденциялари, шунингдек, пассив ва статив конструкцияларнинг қўлланишида айрим функционал услублар ўртасидаги баъзи фарқлар кўзга ташланади.

Тил системасида тил бирликлари унинг структурасини ташкил қилиб, ўз навбатида ушбу тил бирликлари ҳам муайян система ва структурага эга. Шу маънода феъл ва унинг категориялари ҳам тил системасида муҳим. Ушбу феъл

доирасида муайян система ва структурани ташкил этади. Албатта, муайян структурани белгилаш ушбу структурани ташкил қилган тил бирлигининг формал ва маъно жиҳатлари билан боғлиқ.

20-асрнинг 60-йилларигача тилшуносликда амалга оширилган аксарият ишларда тил бирликларининг, умуман ҳар қандай тил ҳодисасининг шаклий томонига катта эътибор бериларди. Тил ҳодисаларидаги шакл ва мазмун яхлитлиги масаласи дастлаб сўз туркумлари доирасида кечди. Илк тадқиқотларда сўзнинг маъносидаги ўзгаришларга, маъно кўчишидаги турли типларнинг таснифига эътибор кучайди. Бундай изланишлар орасида лексикада компонент таҳлил усули ўзининг бир қатор афзалликлари билан бошқа усуллардан кескин фарқ қилиб турди. Компонент таҳлил усули ёрдамида сўзларнинг лексик-семантик гуруҳлари (семантик майдонлар)ни аниқлаш имкони туғилди. Ушбу семантик майдон (лексик-семантик гуруҳ) муайян семантик компонент асосига қурилган бўлади. Чунончи, ҳаракатни ифодалайдиган феъллар “макондаги ҳаракат” асосий компоненти негизида бир семантик майдонга бирлашади; рангни ифодалайдиган семантик майдон “ранг” семантик компоненти асосида ёки қариндошлик терминлари ифодалайдиган семантик майдон “қардошлик” умумий семантик компоненти негизида бирлашади(1, б. 257). Шу тарзда В. Порциг, Г. Ипсен ва Й. Трир номлари билан боғлиқ семантик майдон назарияси асосига қурилган лексик семантика пайдо бўлди. Семантик таҳлил усули тарафдорлари ҳар қандай тилнинг лексикасини тилнинг система ҳосил қиладиган маъноли бирликлари йигиндиси тарзида тушунишади.

Лексика сатҳидаги бундай изланишлар аста-секинлик билан тилнинг бошқа сатҳларига кўча бошлади. Тилнинг турли сатҳлари бирликларини ўрганиш ушбу бирликларнинг минимал қисмларини аниқлашга имкон яратди. Бундай ишлар кўпроқ тил семантикасини, яъни тилнинг “мазмун плани”ни (Л. Ельмслев термини) ёки унинг маъно томонини тавсифлашга бағишланди. 20-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб тил бирликлари семантикасини ўрганиш грамматик сатҳда ҳам кузатила бошланди. Бу борада В. Н. Данковнинг куйидаги сўзлари ибратлидир: сўнгги пайтларда тил категорияларининг мазмун томонига қизиқиш тобора ўсди; турли усуллар ёрдамида нисбат турларининг семантик-грамматик вазифаларини аниқлаш ҳаракатлари содир бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нисбат турлари умумий ном-нисбат категорияси номи остида бирлашса-да, улар нафақат синтактик структуралари билан, балки функционал ўзига хослиги билан ҳам фарқ қилади. Маълумки, яқин-яқингача “оппозицияда турган нисбат турларининг функционал томони масаласи феъл семантикасига етарлича аҳамият бермаслик асосида ҳал қилинди. Аслида, феъл

семантикаси нисбат шаклларида амалга ошади ҳамда субъект-объект муносабатларида ўз ифодасини топади”. Ушбу “синтактик конструкциялар ва уларни ташкил қилувчи структур компонентлар тил системасида у ёки бу мазмуний коммуникатив функцияни, борлиқдаги у ёки бу муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилади”(2, б.5).

Биобарин, тил системасида ҳар қандай фактни таҳлил қилишда тадқиқотнинг мазмун, функционал-семантик аспекти биринчи даражали аҳамиятга эга. Шу боис тадқиқотларда тил ҳодисасининг мазмун плани бирламчи, ифода плани иккиламчи аҳамият касб этади, деб таъкидланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, бирламчи аҳамиятга эга бўлган мазмун планининг иккиламчи аҳамиятга эга бўлган ифода плани асосида ҳосил бўлишини унутмаслик лозим. Қуйида тилшуносликдаги шу ва бошқа қарашлардан келиб чиқиб феъл нисбатининг айрим жиҳатларига тўхталиб ўтамыз.

Агар 1952 йилги академик “Грамматика”да мажҳул нисбатли конструкцияларда иш-ҳаракатнинг реал объекти бош келишиқдаги эга бўлиб, реал иш-ҳаракат бажарувчи эса предлогсиз “творительный” келишиқдаги тўлдирувчи вазифасида келади, деб таъкидланган бўлса, 1970 йилдаги “Грамматика”да мажҳул нисбатли конструкцияларда иш-ҳаракатнинг субъектга йўналтирилганлиги ифодаланади. Кўринадикки, икки даврда чоп этилган рус тили грамматикаси муаллифлари айнан бир конструкция –мажҳул нисбатга икки хил ёндашиб, бирида тадқиқотчи учун иш-ҳаракат объекти марказий ўринга чиқса, иккинчисида иш-ҳаракат субъекти муҳим ўрин тутуди, деб таъкидлашади. Феъл нисбатининг универсал назариясида ушбу категория “синтактик сатҳ бирликлари билан семантик сатҳ бирликлари ўртасидаги мосликларнинг доимий равишда феълда ифодаланиши” сифатида, “феълда грамматик жиҳатдан маркирланган диатеза” сифатида тавсифланади(3, б.13).

Таниқли германист М. М. Гухман фикрича, аниқ ва мажҳул нисбатли гаплар бир хил маъно ташийди(4, б. 20).

Бироқ нисбат турларидаги маъно бир хиллиги ғояси қатор етук тилшунослар, жумладан, В. С. Стоюнин, Н. П. Некрасов, К. С. Аксаков, А. А. Потеня, А. В. Попов, А. И. Томсон, Д. Н. Овсяника, Куликовский, А. Х. Востоков, Е. Курилович, С. Д. Кацнельсон ва бошқаларнинг қаршилигига учради. Уларнинг фикрича, мажҳул нисбатли конструкциялар тилда ўзига хос вазифа ташийди, улар ўз мазмунига кўра актив конструкциялар мазмунига ўхшаш эмас(5, б. 7).

Чунончи, рус тилида мажҳул нисбат икки шакл билан ифодаланади: сифатдош (причастие)ва -ся аффиксли шахсли феъллар. Ушбу мажҳул нисбат

шакллари категориал жиҳатдан бир-бири билан боғланган: уларда қандайдир умумий, ўзига хос белги мавжуд (6, б. 8). Айнан мана шу ўзига хослик мажхул нисбатни аниқ нисбатдан фарқлаб туради. Шу ўзига хос белги субъект-объект муносабатларида ўз ифодасини топади.

Қуйида тегишли нисбат конструкцияси (вазият)нинг тегишли (керакли) иштирокчи (актант)лари тўғрисида сўз юритамиз. Бу борада билдирилган фикрлардан айримларини келтирайлик. В. А. Успенский муайян феъл лексеманинг вазият иштирокчилари ёки семантик актантларининг керакли (тегишли, зарур) йиғиндисини аниқлашда нимага суяниш ҳақида саволни ўртага ташлаб, қуйидаги жавобни беради: тилдаги лексеманинг қўлланишини, унинг синтактик қуршовини кўриб чиқиш, ушбу қуршовларда лексема томонидан бошқариладиган сўзларни топиш-семантик актантларнинг ёки вазият (ситуация) иштирокчиларининг ифодаланишини топиш демакдир (7, б. 223 – 224).

Ушбу лексеманинг синтактик қуршови иштирокчиларига, биринчи навбатда, вазият субъекти ва объекти киради. Илк тадқиқотларда субъект қисқа маънода жонли шахсни билдирарди, кейинчалик кенг маънода ҳар қандай предметни англата бошлади. Кейинги ҳолатдаги субъект биринчи ҳолатдаги субъектнинг синтактик позицияларига туша олиши мумкин. Муаллиф фикрича, “Самолёт летит” гапи, “Птица летит”дан келиб чиққан, шу боис бу эрда “Самолёт” субъект вазифасини ўтаяпти(8, б.12).

С. Е. Яхонтов нисбат назарияси ҳақида гапириб, қуйидагиларни таъкидлайди: бир-биридан фарқланиб турувчи синтактик актантларнинг миқдори (сони) ва белгилари у ёки бу даражада ҳар бир муайян тилнинг хусусиятларига боғлиқ. Ҳар бир вазиятнинг семантик актантлари йиғиндиси тегишли феълнинг лексикографик талқини билан белгиланади. Одатда, дейди тадқиқотчи, феъл семантикаси талаб қилмайдиган сўзлар нисбат қурилмаларида иштирок этмайди.

Шундай қилиб, субъект ўзининг фаол ҳаракати билан аниқланади. Бу жонсиз субъектларга ҳам тааллуқли. Масалан: “Ветром сломало дерево” вазиятида “ветер” – субъект: объектнинг ўзгариши шамол ҳаракати туфайли содир бўлади.

Муаллиф объект масаласида, анъанавий тилшуносликдагидан фарқли равишда, ўзгача фикрга эга: воситасиз тўлдирувчи (прямое дополнение) ҳар доим ҳам объектни ифодалайвермайди. «Я копаю землю» ва «Я копаю яму» гапларидаги тўлдирувчига мос тушадиган актантлар реал борлиқ нуқтаи назаридан ўзаро ҳеч қандай умумийликка эга эмас: «яма» – объект эмас, балки ҳаракат натижасидир. Ёки: «Хуршида варит рис» – «Хуршида варит плов»

гапларида ҳам объект ва ҳаракат натижаси берилган. Ушбу гапларда «землю» – «яму»; «рис» – «плов» сўзлари грамматик шаклларига кўра объект деб ҳисобланса-да, маъноларига кўра фарқ қилади. Муаллиф ушбу актантиларнинг мазмунларидан келиб чиққан ҳолда грамматик шаклан бир хил сўзларга («землю» ва «рис» – объект, «яму» ва «плов» ҳаракат натижаси (результат) икки хил баҳо берган.

С. Е. Яхонтов субъект-объект муносабатлари ҳақидаги мулоҳазаларини ўзига хос талқин билан давом эттиради: одатда бир актанти феълларнинг ягона актанти субъект ҳисобланади. Лекин ҳамиша ҳам шундай эмас. «Упало дерево», «вода закипела», «звонит телефон» каби гапларда предмет ҳолатининг ўзгариши қандайдир четки сабаб (таъсир) туфайли содир бўлган, шунинг учун юқоридаги вазиятларда «дерево», «вода», «телефон» сўзларини субъектга эмас, балки объектга тенглаштиришга тўла асос бор. Муаллифнинг ўзлик конструкциялар ҳақидаги фикрига эътибор қаратайлик. Бу ерда ҳам шакл ва маънодаги номутаносиблик кўзга ташланади. Яъни: «Иван бреет бороду» ва «Иван бреется» гапларида иш-ҳаракат субъектга қаратилган, шу боис биринчи гап рефлексивга маъно жиҳатдан ўхшаш (9, б. 16 – 20).

Адабиётларда ҳатто шундай фикр ҳам борки, унга кўра, пассив активга нисбатан иккиламчи ҳодиса бўлиб, тил пассивсиз ҳам иш кўриши мумкин. Жумладан, эргатив конструкцияли тиллар, чунончи абхаз тили ҳақида сўз юритиб, С. Д. Кацнельсон шундай дейди: “Маълумки, пассив синтактик жиҳатдан активдан ясалган иккиламчи шаклдир. У тилда фақат активнинг трансформацияси сифатида мавжуд бўлиши мумкин ва уни активсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айни пайтда, актив бирламчи шакл сифатида пассивсиз ҳам яшай олмайди” (10, б.71).

Бизнингча, тил системасида актив билан бирга тенг ҳолда ҳукм суриб келаётган, тилнинг турли-туман ҳолатларини чиқараётган, аксарият тилшунослар томонидан тан олинган пассивга бундай субъектив баҳо унинг тил системасидаги мавқеига соя ташлай олмайди.

Аксарият тадқиқотларини винительный падеж – тушум келишигига бағишлаган А. В. Десницкая муайян позицияларда ушбу категорияни нисбат категорияси билан боғлайди. Хусусан, унинг фикрича, ушбу келишик воситасиз тўлдирувчининг шакли сифатида ўзида ўтимлилик-ўтимсизлик категорияларини, шунингдек, нисбат категориясини мужассамлаштиради. Бу уч категория (яъни тушум келишиги, феъллардаги ўтимлилик-ўтимсизлик ва нисбат) ягона грамматик қаторнинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлади ҳамда улардан ҳар бирининг маъноси фақат бир-бири билан ўзаро алоқасида рўёбга чиқади. Анъанавий тилшуносликда бўлгани каби, бу ерда ҳам

винительный падеж – тушум келишиги, одатда, ўтимли феълларда қўлланган воситасиз тўлдирувчи сифатида қабул қилинади, яъни ўтимли феъл ўзидан кейин шу келишикдаги воситасиз тўлдирувчини талаб қилади ҳамда актив конструкцияли гапни пассив конструкцияли гапга айлантирганда, у (воситасиз тўлдирувчи) именительный падеж – бош келишикдаги эгага ўтади. Таъкидлаш жоизки, қадимги ҳинд-европа тилларида, хусусан, қадимги грек тилида винительный – тушум келишиги дастлаб икки маънони, яъни ҳол муносабатини ҳамда воситасиз тўлдирувчи маъносини англаган. Кейинчалик бу келишик фақат воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўташга мослашган. Шу тарзда феълнинг бошқарув тизими вжудга келди. Шу билан параллел равишда мажхул нисбат категорияси шаклланди, бунда актив нисбатнинг воситасиз тўлдирувчиси пассив нисбатнинг эгасига айланиш манзараси ривож топди (11, б. 50).

Бундай манзарани, жумладан, шимолий герман-скандинав тилларида ҳам кўриш мумкин. Ушбу тилларнинг қадимги даврида тушум – винительный келишиги нафақат воситасиз тўлдирувчи (прямое дополнение) ни, балки ҳолни ифодалаган. Масалан, қадимги исланд тилида тушум келишиги ҳолнинг куйидаги кўринишларини ифодалашда хизмат қилган: йўналиш (алла вега – со всех сторон), замондаги давомийлик ва макон (ҳанн фор даг ок нотт – он ехал день и ночь) ёки кузатиб бориш шароитларини (беир сигла бйр годан ок бжарт ведр – они плывут при попутном ветре и ясной погоде) ва бошқалар. Кейинчалик сўзлар ўртасидаги муносабатларнинг дифференциал ҳолатда ифодалашни скандинав (исланд, дания, швед, норвег ва фарер) тилларида сўзлар ўртасидаги муносабатларни ифодалашнинг такомиллашган янги системасини вжудга келтирди (7, б. 184).

Юқорида масалалар таҳлили шуни кўрсатдики, немис тили системасида феълнинг учта тури – актив, пассив ва статив шакллари бор. Таъкидлаш жоизки, барча нисбат турлари тил системасида мустақил равишда мавжуд бўлиб, улар объектив муносабатлардан келиб чиққан ва улар асло бир-бирининг ҳосиласи эмас.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Гухман М. М. Страдательный залог индоевропейских языков и проблема залоговой дифференциации // Труды ВИИЯ. – М., 1945, № 1.
2. Данков В. Н. Историческая грамматика русского языка. Выражение залоговых отношений у глагола. – М.: Высшая школа, 1981.
3. Десницкая А. В. Сравнительное языкознание и история языков. – Л.: Наука, 1984.
4. Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. – Л.: Наука, 1972.

5. Кузнецов А. М. О применении метода компонентного анализа в лексике // Синхронно-сопоставительный анализ языков разных систем. – М.: Наука, 1971.
6. Падучева Е. В. О семантике синтаксиса. – М., 1974.
7. Стеблин-Каменский М. И. История скандинавских языков. – М. – Л.: Наука, 1953.
8. Успенский В. А. Замечания на полях статей И.А. Мельчука и А. А. Холодовича о понятии залога // Диатезы и залоги. Тезисы конференции «Структурно-типологические методы в синтаксисе разносистемных языков». – Л.: Наука, 1975.
9. Холодович А. А. Залог. Определение и исчисление // Категория залога. Материалы конференции. – Л., 1970.
10. Шубик С. А. Категория залога и поле залоговости в немецком языке. – Л.: Наука, 1989.
11. Яхонтов С. Е. Исходные понятия теории залога // Диатезы и залоги. Тезисы конференции «Структурно-типологические методы в синтаксисе разносистемных языков». – Л.: Наука, 1975.